

Масжид-ул Ақсо Қуръони IRCICA томонидан нашр этилади



11:40 / 24.12.2018 2118

Фаластин мухториятининг Ислом давлатлари билан алоқалар ва дин ишлари бўйича маслаҳатчиси Шайх Ҳаббаш Мажид-ул Ақсо Мусҳафи деб айтилган “Фаластин Мусҳафи”ни Ислом, тарих, санъат ва маданият тадқиқотлар маркази (IRCICA) томонидан нашр этилиши бўйича меморандум имзоланганини маълум қилган. Бу ҳақда Anadolu Ajansı хабар беради. Хабарда айтилишича, барча ҳақлари Фаластин мухториятига мансуб бўлган “Фаластин Мусҳаси”нинг ҳақиқий қўлёзмаси Қуръони каримга асосан ёзилган. Унинг безак, логистик ва бошқа барча босилиш билан боғлиқ техник томонларига IRCICA масъул ҳисобланади. “Фаластин Мусҳафи”нинг босилишини катта воқеа, деб баёнот берган Шайх Ҳаббаш, 2019 йил “Фаластин Мусҳафи йили” бўлишини ва унинг барча ҳуқуқлари Фаластин етакчисига оид эканини маълум қилган.

Islom.uz портали таҳририяти